



**ЭТАНОЛ БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШ НЕЙРОМЕДИАТОР ТИЗИМИ
ФАОЛИЯТИНИ БУЗИЛИШЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ**

Ахрорхонова М.З

Бабаджанова Ш.А

Абдуллаева М.И

Тошкент давлат тиббиёт университети

КИРИШ

Маълумки, алкогольга ўрганиб қолиш уни бош миёга таъсири, бош миёда нейромедиторлар синтези ва уларнинг рецепторларининг ўзгаришига асосланган.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, этанол ва унинг метаболизми натижасида ҳосил бўладиган ацеталдегид кучли нейротроп модда бўлиб, мембрана липидларининг физик-кимёвий тавсифи, миёда нейромедиторлар функцияси ва миқдори, нерв импульсининг ўтказилиши ўзгаришларига олиб келувчи метаболик, психик, вегетатив, неврологик таъсирларни наъмоён қилади.

Марказий нерв тизими турли касалликларида нейромедиторлар функциясининг бузилиши ва уларга нисбатан аутоантитаначалар индукцияси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган.

Мақсад. Этанол билан заҳарланишда нейромедиторлар рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар миқдорининг диагностик аҳамияти ва патогенетик ролини ўрганиш.

Материал ва усуллар. Тадқиқотни ўтказиш учун алкоголь интоксикацияси модели этанол эритмасини каламушлар ошқозонига 1, 2, 3, 4 ҳафта мобайнида юбориш орқали чақирилди. Иммунофермент таҳлил усулида «ЭЛИ-Н-Тест» тўплами (Россия) ёрдамида қон зардобидида нейромедитор рецепторлари (глутамат, ГАМК, дофамин, серотонин, холин, опиат ва β-эндорфин рецепторлари)га нисбатан G синфга мансуб нейротроп аутоантитаначалар миқдори аниқланди

Натижалар.

Сурункали алкоголь билан заҳарланишда нейромедитор рецепторларига нисбатан аутоантитаначаларни аниқлаш натижаларига кўра, этанол таъсирининг биринчи ҳафтасида аутоантитаначалар кўрсаткичлари фақат ошиш тенденциясига эга бўлди.

Этанолнинг киритилиш муддати ўтган сари 2-4-ҳафталарида каламушлар қон зардобидида аутоантитаначалар кўрсаткичларининг ортиб бориши аниқланди.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2026 "

Тадқиқот натижаларига кўра, сурункали этанол билан заҳарланиш шароитида нейромедиатор рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичларида энг кўп ўзгариш глутамат, ГАМК ва дофамин рецепторларига нисбатан аниқланди. Жумладан, Глу-Рга нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан сезиларли 2,8 маротаба; ГАМК-Рга нисбатан 3,0 маротаба; ДА-Рга нисбатан 2,9 маротаба; Сер-Рга нисбатан 2,9 маротаба ортиши аниқланди. Опиат, эндорфин ва холин рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар кўрсаткичлари нисбатан сустроқ ортади.

Бизнинг фикримизча, нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан антитаначаларнинг ортиши бош мия нейротрансмедиатор тизимларида ўзгаришларни акс этади, бу ўзгаришларни намоён бўлишининг турли даражаси этанол таъсирининг ўзига хослигини аниқлашга ёрдам беради.

Хулоса. Шундай қилиб, алкоголь билан заҳарланишда нейромедиаторлар рецепторларига нисбатан аутоантитаначалар миқдори этанол қабул қилиш муддатига боғлиқ равишда ортиб боради ва ушбу кўрсаткичлар нейромедиатор тизими фаолияти бузилишидан далолат беради.